



Ислом Нури

Устоз Абдулвалий қори

Исломда бирлашиш асоси

Бисмиллаҳ, алҳамду лиллаҳ вассолату вассаламу ала расулиллаҳ.

Мусулмонлар Исломни мукамал тушунмоқлари керак ва улар бирлашишнинг маъносини ҳам тушунмоқликлари керак. Эътироз билдирилиши мумкинки, бу бирлашиш ҳақида ҳамма гапириб, лекин ҳечам бирлашилмай юрилибди-ку!

Бирлашиш Ислом асосида, Ислом ақидаси асосида бўлиши керак. Бирлашишнинг маъноси: Бирор бадавлат одам қўй сўйиб, зиёфат қилиб берса, шу зиёфатда иштирок этиб, яхши еб-ичиб, ҳаммалари бир бўлайлик деб туриб кетиш бирлашиш эмас.

Бирлашиш бир асосга қайтишдир. У қайси асос? У бирон бир одамнинг ҳавоси-хоҳиши бўлмасилиги керак. У бирон бир одамнинг фикри бўлмаслиги керак. У Аллоҳнинг сўзи ва Расули амин бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси мубораклари бўлмоғи керак. Шундагина иймон бўлади.

«Бирон бир одамнинг ҳавоси-хоҳиши бўлмасилиги керак. У бирон бир одамнинг фикри бўлмаслиги керак. У Аллоҳнинг сўзи ва Расули амин бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси мубораклари бўлмоғи керак. Шундагина иймон бўлади.»

«Сизлардан бирингиз иймон келтирган бўлмайди, токи унинг ҳавоси мен олиб келган нарсага тобе бўлмагунича.» Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган нарса ҳаво эмас эди. У киши ўз хоҳишларидан бирон бир нарса олиб келмагандилар. У киши олиб келган нарса Аллоҳ субҳанаҳу ва толо тарафидан бўлган ваҳй эди.



Ислом Нури

««Қўрқатқан қўрқатқан қўрқатқан қўрқатқан (3) қўрқатқатқан қўрқатқан қўрқатқан қўрқатқан қўрқатқан қўрқатқан»».

Агарчи ўн кишини бўлса ҳам Китобу Суннатга қайтишликгина бирлиштирмоғи лозим.

Ҳаволар бирлашиши бирлашиш эмас...

Бир жойда яшаш бирлашиш эмас...

Ўзбеклик бирлашиш эмас...

Фақат Аллоҳ ва Расулининг сўзига қайтмоқлик бирлашиш бўлмоғи керак. Аллоҳ бизни мана бу бирлашишга чорлайди, бошқа бирлашишлардан воз кечишга чақиради. Бошқа бирлашишлар хатардир. Наҳотки, мусулмон кишиларни, Исломни тушунган одамларни бирлаштириш учун бир одамнинг зиёфатига муҳтож бўлинса?! Оғзинг қани деса, қулоғини кўрсатадиган бир бадавлат одамнинг зиёфати бизни бирлаштира?!

Шунинг учун Аллоҳ ва Расулини сўзини агар бир киши қабул қилмаса бундан иймонни нафий қилиняпти, биродарлар! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ақида асосида бирлаштиргандилар, илгариги жоҳилий бирлаштиришлар билан бирлаштирмагандилар. Ҳозирда ҳам баъзи бир кишилар бир бўлиб яшашни хоҳлашади. Ҳамма бир бўлиб яшашга мувофиқ. Лекин баъзи кишиларнинг бирлик деган маъноси шунга ўхшайдикки, бирор бир маҳаллада шундай олим, шундай қори ака бўлсангизки, — Аллоҳ сақласин — одамларни яхши суҳбатида ҳам бўлсангиз, маст қилувчи ичимликларни ичаётган



Ислом Нури

суҳбатида ҳам дуо қилиб ўтирсангиз. Бирор бир кишига шариатга зид иш қиладими, мунофиқми, каззобми, шунга қараб кулиб, шуларга мувофиқ гап топиб берсангиз. Дурадгорга дурадгорча, деҳқонга деҳқонча, ҳаммани кўнглига мувофиқ сўзларни айтиб берсангиз; мана шу одамни, яъни энг катта мунофиқ бўлган одамнигина хоҳлашади. Биродарлар, — бу нарсалардан Аллоҳ сақласин!- демоклигимиз керак.

Овозли дарсларидан олинди.